## БУГУН—ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

***Ўзбекистон Қаҳрамони, ардоқли халқ шоири Абдулла Орипов шеъри ва машҳур бастакор Мутал Бурхонов яратган Мустақил Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси қабул қилинганига бугун олти йил тўлди.***

***Улуғвор тарона! Қалбингда ғурур, онгингда ифтихор жўш уради уни тинглаганда. Мамлакатимиз Президенти қайси давлатга бормасин, озод Ўзбекистон ҳурмати учун давлатимиз мадҳияси садолари остида кутиб олинади ва кузатиб қўйилади. Қанчадан-қанча халқаро спорт байрамларида ғолиб спортчиларимиз шарафига озод Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси янграйди.***

***Бу шараф, бу фахр, бу жаҳоний эътироф рамзи!***

***Давлатимиз мадҳияси — озод Ўзбекистон фуқаросининг доимий йўлдоши, бахт-иқболи ва юзи ёруғлиги тимсоли.***

***Ватаннинг чексиз кенгликлари, жўшқин дарёлари, пурвиқор тоғлари, тантию ҳалол, мард инсонлари кўз олдимизга келади ҳур Ўзбекистоннинг Давлат мадҳиясини тинглаганда.***

***Олам узра янграйвер, озод Ўзбекистоннинг улуғ таронаси!***

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

1. Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадида, 1999 йил — Аёллар йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан Республика комиссияси тузилсин.

2. Республика комиссиясига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан бирга бир ой муддатда мазкур Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилсин. Дастурни тайёрлашга етакчи олимлар, мутахассислар, кенг жамоатчилик вакиллари жалб қилинсин ва дастур лойиҳаси кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилсин.

3. Тадбирлар дастурида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилсин:

— аёллар манфаатларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, давлат, жамият қурилиши ва маданий қурилишда, жамиятни маънавий ва демократик янгилашда уларнинг ролини оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

— оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбияни ривожлантириш, таълим даражасини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш;

— оилада, қулай маънавий-ахлоқий оилавий муҳитни, болаларни тарбиялаш шарт-шароитларини, моддий-маиший турмуш шароитларини шакллантиришда аёлларнинг мақоми ва ролини ошириш;

— иқтисодий ўзгартиришлар ва ислоҳотларда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда аёлларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш;

— аёллар манфаатларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган халқаро, давлат қонунлари ҳамда бошқа қонунчилик ва ҳуқуқий нормалар амалга оширилиши устидан мониторинг тизимини ишлаб чиқиш ва таъминлаш;

— давлат ҳокимияти органлари бошқаруви, жамоат ўзини ўзи бошқарув органлари, корхоналарни бошқариш тузилмаларида, ноҳукумат ташкилотларида, жамоат бирлашмалари ва сиёсий партияларда хотин-қизлар ролини ошириш;

— гендер муаммоларини илмий ва ижтимоий жиҳатдан тадқиқ қилишни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш, шу жумладан ёш авлодни тарбиялашда, оилани шакллантиришда, ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришларда ва жамиятни ривожлантиришда аёлларнинг ролини ошириш.

4. Давлат, нодавлат ва ҳудудий ҳокимият ва бошқарув тузилмалари юқорида айтиб ўтилган дастурни тайёрлашда Республика комиссиясига ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ***

***Тошкент шаҳри,***
***1998 йил 9 декабрь***


*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1998 йил 10 декабрь, пайшанба • № 147 (24.384). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


## Мустақил Ўзбекистоннинг озод болаларига



Тилимизда шундай сўзлар борки, улар ҳар бир инсоннинг қалбида акс садо бермай илож йўқ. Қулоқ тутинг: «. . . инсоният оиласининг барча аъзоларига хос қадриятларни ва уларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тан олиш озодлик, адолат ва ялпи тенгликнинг асоси эканлигини ҳисобга олиб. . .». Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг муқаддимаси шундай сўзлар билан бошланади. XX асрнинг иккинчи ярми тўлалигича жаҳон тарихидаги иккита энг даҳшатли уруш ваҳшати орқали етиб келган мана шу ҳужжатда эълон қилинган ғояларни рўёбга чиқаришга бахшида бўлди.

Шунга қарамай, яқин кунларгача жаҳон харитасида улкан ҳудуд мавжуд бўлиб, унинг фуқаролари учун ушбу ҳужжат ҳақидаги тасаввур инсон ҳуқуқлари деган тушунча каби бегона эди. Фақат бугунги кунда, ёш мустақил ўзбек давлати туғилганлиги туфайлигина бизга демократия ва фуқаролар эркинлиги асосининг ҳаёт манбаи бўлган муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар кенг маълум бўлди.


Ўзбекистон Конституциясини яратишда инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг кўпгина қоидалари таянч нуқтаси вазифасини ўтади. Декларация қабул қилинганлигининг 50 йиллигини Ўзбекистон бутун жаҳон билан биргаликда байрам қилмоқда. Халқимизнинг тўйга тўёна билан, деган иборасига амал қилган ҳолда, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан мазкур китобча нашр этилди. У кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болаларга мўлжалланган.

Инсониятнинг мазкур улуғ ҳужжатини ёш китобхонларга бегараз, енгил табассумга йўғрилган ҳолда, ҳар бир бандини жозибали, кўрганда кўз қувонадиган тасвирлар билан тақдим этишдан яхшироқ усул борми? Рассомларнинг ўзбек халқ эртаклари мавзуларидан моҳирона фойдаланганлари эса нур устига нур бўлган.

Китобча ўзбек ва рус тилларида нашр этилди. Бунда сабоқни лотин графикаси асосидаги ўзбек алифбосида бошлаган болажонлар ҳам эътиборга олинди. Китобчанинг давлат тилидаги ададининг тенг ярми ўзбек-лотин алифбосида, қолган қисми кириллицада нашр этилди. Уни нашр этишда инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан кенг китобхонлар оммасининг талаб ва имкониятлари эътиборга олинган. Китобчани бепул тарқатиш азми бунинг ёркин далилидир.

*(ЎзА)*

## Ўзбек олимига—«2000 йилликнинг фахрий олтин медали»




Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори Турсунбой Рашидов пойтахтимиз Тошкент шаҳрини зилзиладан сўнг қайта қурилишида фаол қатнашган, Тошкент метросининг биринчи ва иккинчи йўлларини зилзилабардошлиги масаласига улкан ҳисса қўшган йирик механик олимдир. Тошкентдаги бир неча халқаро анжуманларнинг ташкилотчиси ва фаол иштирокчиси Турсунбой Рашидовичнинг илмий раҳбарликларида механика муаммолари ўз ечимини топмоқда. Юқори малакали олим ва мутахассислар тайёрланмоқда.

Айни шу кунларда ЎзР ФА Механика институти бўлим мудири сифатида Тошкент ва Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, қолаверса, Марказий Осиё йирик шаҳарларида зилзила оқибатларини камайтириш масаласида йирик илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Айниқса, олимнинг Америка Қўшма Штатлари, Англия, Хитой, Ҳиндистон, Европа ва Осиё мамлакатларида ўқилган кўплаб маърузаларининг долзарблилиги, муҳимлиги ва илмий хулосаларнинг катта амалий аҳамиятлилиги туфайли у кишини «Ўзбекистон механикларининг устози» деб юритишлари бежиз эмас.

АҚШ, Англия, Туркия, Марказий Осиё мамлакатлари билан шу соҳада йирик илмий тадқиқот ишларини бошлаган Турсунбой ака Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва НАТО билан йирик грантлар устида ҳам жиддий ишларни амалга оширмоқдалар. Худди ана шундай ишлар туфайли Турсунбой Рашидовнинг номзоди жаҳон илмий жамоасининг назарига тушди. Охирги юз йилликда эришилган илмий муваффақиятлар, кашфиётлар, ихтиролар, изланишлар сарҳисоб қилина бошланиб, бутун дунёда тан олинадиган энг юқори кўрсаткич аниқланди.

Америка давлатининг Биография институти (президенти И.М.Эванс) асрнинг махсус олтин медалига, яъни 2000 йиллик фахрий медалига ўзбек механика фани олими Турсунбой Рашидовни лойиқ деб топди. Янги аср арафасида топширилажак ушбу медаль сўнгги юз йилликдаги энг теран умуминсоний ва профессионал ютуқлар учун берилади.

«2000 йиллликнинг Фахрий олтин медалининг дунёда ўхшаши (аналоги) бўлмайдиган ягона медаль совриндори Турсунбой Рашидович, Сиз, — деб ёзади президент И.М.Эванснинг Т.Рашидовга йўллаган табрик мактубида, — жаҳондаги минглаб олимлар орасидан танлаб олингансиз. Бу Сизнинг буюк инсоният олдидаги жаҳоншумул ҳиссангизни кўрсатувчи ғалаба (шуҳрат) тожидир».

Билимли, ўқимишли, одобли, баркамол инсон ҳамиша ардоқлади. Элим деб, юртим деб, ёниб яшаётган, сахий қалб инсонлар фидойилар ҳар доим бор бўлсин.

***Сунатулла РИЗАЕВ***

*Бу дунёнинг ишлари*

## «Аср савдоси»

Американинг икки йирик компанияси ўртасида «Аср савдоси» амалга оширилди. «Эй-Ти энд Ти» корпорацияси беш миллиард доллар нақд пулга «Ай-Би-Эм» компаниясини унинг халқаро корпорация тармоқлари билан қўшиб сотиб олди. «Эй-Ти энд Ти» корпорацияси вакилларининг хабарларига кўра, ушбу ташкилот ўзининг истеъмол базасини кенгайтириш йўлида олиб борган кўп йиллик ҳаракатлари натижасида ушбу харидга эришди.

## Гаровдагилар ўлдирилди

Буюк Британия жамоатчилиги янги уч англиялик ва бир новозеландияликнинг Чеченистонда ўлдирилишини ғазаб билан кутиб олишди. Буюк Британия ташқи ишлар вазири Робин Кук унинг ҳукумати Россия ва Чеченистон ҳукуматларидан фожианинг асл мантиқини билиш йўлида куч-қувватини аямайди, деди. 26 ёшли Даррен Хики, 42 ёшли Рудольф Петч ва 46 ёшли Питер Кеннедининг қариндош-уруғлари уларни тезроқ гаровдан озод этишни кутишаётган эди.

*Қонун лойиҳасига таклиф*

## Реклама – бу санъат, эстетика

Маълумки, Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясида «Реклама тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланиб, уни кенг муҳокамага қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Реклама бизда янги тўлқин. Бунинг тагида ғоялар ётади. Реклама бу санъат, эстетика. У миллат қиёфасининг ўзгаришига таъсир қилади. Аммо, бугунги рекламаларда миллийлик, ўзига хослик, шарқона одоб, ахлоқ тушунчалари кам ўрин тутмоқда. Маънавиятни ўстирадиган, инсон онгида умуминсоний ғояларни шакллантирадиган рекламалар ҳали ҳамон бизда тайёрланмаяпти. Бас, шундай экан, бу соҳадаги ишларимизни тўғри йўлга солиш учун, бизга тўғри йўналиш бера оладиган кенгашга эҳтиёж сезилаверади. Ушбуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси Қонун лойиҳасига қуйидаги таклифларни билдиришни лозим топди.

1. Қонунда, Мустақил давлатимизнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, реклама тўғрисидаги қонуннинг ижросини тартибга солувчи, унинг асосан маънавий томонини белгилаб берувчи ва ўрганувчи Миллий кенгаш тузилиши назарда тутилса. Ушбу кенгаш олдига реклама билан шуғулланувчи ҳамда уни тайёрловчиларни алоҳида назоратга олиш, яъни рекламаларнинг маънавий ва миллий қадриятларимизга мослигини кузатиб бориш вазифаси юклатилса.

2. Қонун лойиҳасининг 12-модласида ижтимоий рекламали ахборот ҳақида гапирилади. Бу ўринда ижтимоий тарғибот тариқасида ёзилган чақириқ ёки шиорни реклама дейиш ушбу қонун лойиҳасида кўзда тутилган таҳрирда тўғри бўладими? Айтайлик, шаҳарга кириш жойидаги «Хуш келибсиз», «Меҳмонларга алангали салом» ва бошқалар. Бу шиор-чақириқлар моҳияти жиҳатидан ижтимоий реклама, аммо агар улар реклама деб аталадиган бўлса, уларнинг жойлаштирилиши учун ҳокимият ижара пули оладими, умуман, булар рекламами ёки йўқми, уларни тайёрловчилар реклама берувчилар деб аталиши тўғрими?

Шундан келиб чиқиб, товар ва маҳсулот рекламаларидан ижтимоий реклама муаммолари умуман ажратилса ёки ижтимоий реклама муаммоларига тўлиқроқ аниқлик киритилса.

Ижтимоий реклама берадиганлар тўлиқ давлат имтиёзларидан фойдаланишлари керак. Қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, ижтимоий рекламаларни жойлаштиришда ижара ҳақи олинмаслиги лозим. Айни пайтда ижтимоий реклама тайёрловчиларни маҳаллий солиқлардан озод қилиш, бу ишга хорижий сармоядорлар жалб қилишни, улардан ижара ҳақи олинмаслигини ҳам ушбу қонунда акс эттириш зарур деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари, мулк шакли қандай бўлишидан қатъи назар, чет эл сармоядорларини ёки ўзимизнинг тижорат фирмаларимизми, ижтимоий, маънавий-маърифий рекламага пул ажратиши бундай ташкилот номи ва рамзи эса телевидение, матбуот ва ташқи рекламаларда бепул шартнома асосида бериб борилиши ва улар солиқлардан озод қилиниши қонунда белгиланса. Бундай фирма рамзи ва белгисини қўйиш тартиби, унинг қанча жойни эгаллаши мумкинлиги ҳам кўрсатилса.

3. Қонун лойиҳасининг 6-моддасида рекламанинг тили ҳақида гапирилади. Ушбу бўлимга «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги қонунда кўрсатилганидек, ҳар бир реклама ёзуви аввало давлат тилида бўлиши, сўнгра эса, зарур бўлганда, реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда ёзилиши мумкинлиги, аммо бу ёзувлар давлат тили ёзувидан катта бўлмаслиги ҳақида қўшимча киритилса. Чунки миллатнинг кимлигини кўрсатувчи тилимиз ва алифбомизга эътибор аввало мана шу рекламалардан бошланиши керак. Бугунги бефарқликка чек қўйиш лозим.

4.16-моддада ташқи рекламани жойлаштирганлик учун олинган маблағлар маҳаллий бюджетга тушади, дейилади. Бизнингча, ушбу маблағнинг ҳеч бўлмаса 10 фоизи маънавият (ижтимоий реклама) учун йўналтирилса маъқул бўлади.

Лойиҳанинг ушбу бандида муайян биноларга ўрнатилган пешлавҳаларнинг ҳам, гарчи реклама ҳисобланмасада, маълум бир талаблар асосида ёзилиши белгилаб қўйилса.

Шунингдек, тарихий ва маданий ёдгорликлар, табиатни муҳофаза қилиш объектларининг қўриқлама зоналарига фақат ижтимоий рекламаларнигина ўрнатишга рухсат этилса. Уларни жойлаштириш тартиби эса Миллий кенгаш Низоми асосида олиб борилса. Бу ишимиз ўтмишимизга, маънавий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат ва эъҳтиромимиз белгиси бўлар эди.

5. Тамаки маҳсулотлари реклама қилинадиган бўлса у қонунда қаттиқ назоратга олиниши керак.

Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар рекламаси мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари атрофига қатъиян ўрнатилмаса. Чунки, келажагимиз бўлган болалар тақдири уларнинг саломатлиги ҳар қандай рекламадан юқори туриши керак. Бундай зоналарда ҳам ижтимоий рекламалар ўрнатилиши тарбиявий аҳамиятга эга бўлар эди.

6. Қонуннинг 28-моддасида реклама тайёрловчи уюшма ёки ташкилотга етарли малакали мутахассисларга эга бўлганидагина рухсат этилиши қонунда белгиланиши керак. Чунки, реклама тақдим қилувчининг нотўғри ахборот бераётганлигини улар била олиши лозим.

7. Ўзбекистон давлати халқаро қонунларнинг устунлиги тан олганлигини инобатга олган ҳолда ушбу қонунга ҳам халқаро алоқалар банди киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

8. Қонунда диний, тарбиявий реклама ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. Қонун қабул қилинаётганда бу инобатга олинса маъқул бўлади деб ўйлаймиз.

Иш тажрибамиздан келиб чиққан бу таклифларимиздан мақсад қонуннинг мукаммал ва узоқни кўра оладиган бўлиши. Ўйлаймизки, бу йўлда бошқа ватандошларимиз ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлашга шошиладилар.

***Исфандиёр ЛАТИПОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси.***

*Ҳуқуқий мулоҳаза*

## Оқловчи! Нега оқлай олмайсан!!!

— Биз ўша адвокатни оқлай олмаймиз, — дейди Файзулло АШУРОВ, — аммо, шуни ҳам айтиш керакки, бугун адвокатнинг ўз ҳимоясидаги фуқаро ҳақ-ҳуқуқини тўла ҳимоя қилишига тўсиқлар етарлича. Шу боис адвокатларнинг умидсизликка тушиши, ишни давом эттиришдан чарчаб ҳимоясидаги фуқарога сиз эшитган воқеадагидек «маслаҳат» беришга мажбур бўлиши ростдан ҳам учраб турибди.

Келинг, гапни сал узокроқдан бошлайлик. Дейлик, прокурор бирон бир шахсни жиноят қилганликда гумон қилиб қамоққа олишга ордер берди. Уни шу прокурор қўл остидаги терговчи тергов қила бошлайди. Орадан кунлар ўтади. Охири ўша гумон қилинганнинг аслида айбсиз эканлиги маълум бўлиб қолса-чи? Аввало, бу гапни прокурорга етказиш учун терговчидан қаҳрамонлик талаб қилиниши турган гап. Ахир, бир фуқарони ноҳақ қамоқда сақлаганлиги учун прокурор жавоб бериши керак-да. Демак, бир йўлини қилиб бунинг олдини олиш. Бу йўл эса бизда тайёр. Прокурор қўл остидаги терговчини ўша одамга «айб» босишга ундайди. Натижада терговчи йўл қидиради, топади ҳам.

*— Наҳотки бу шунчалик осон бўлса? Адвокат қаёққа қарайди? Қолаверса, прокурор билан терговчининг хулосаси ҳали ишнинг якуни эмас, улар судда сирлари ошкор бўлиб қолишидан қўрқмайдими?*

— Аввало, адвокат масаласига тўхталайлик. Аслида Конституциямизнинг 116-моддасига кўра ўша айбланаётган фуқаро адвокат ёллаш, унинг ёрдамида ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Аммо, агар адвокат тергов жараёнида иштирок этмаса қандай қилиб бу жараённи баҳолай олиши мумкин? Ахир амалдаги Жиноят процессуал кодексимизнинг 230-моддасида «Ушлаб турилганларнинг қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашишига фақат ушлаб туриш тўғрисидаги материаллар иш юритишида бўлган суриштирувчи ёки терговчининг ёзма рухсати асосида ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг маъмурияти томонидан ижозат берилади» дейилган. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, адвокатнинг қатнашишидан манфаатдор бўлмаган терговчи унга рухсат берадими? Бу биринчи масала.

Кейингиси иш судга ошгандан сўнг бошланади. Суд тергови ишни яна чўзгандан-чўзаверади. Бир томонда адолат, иккинчи томонда прокурор турибди, ахир. Хуллас, гумондор бир ярим йилгача суд ҳукмини кутиши мумкин. Бунинг устига оқлов ҳукми чиқаришдан энди судья ҳам манфаатдор эмас. Яхшиси, гумондорга қамоқда сақланган муддатига мос жазо тайинлаб суд залидан озод қилиш йўли изланади. Бунга эса имкон бор. Суд терговини ўзлари қилишган. Адвокат киритилмаган. Гумондорнинг гаплари эса бир тийинга қиммат.

Боринг, ана, суд масалага холис ёндошиб оқлов ҳукми чиқарди ҳам дейлик. Аммо, бу ҳам иш ўз жойига тушди, дегани эмас-да. Прокурор хоҳлаганича протест киритавериш ҳуқуқига эга. Жиноят иши суд инстанцияларида сакраб юрган вақт мобайнида ҳам оқланган гумондор қамоқда ўтираверади. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 517-моддасида бунга имкон яратилган. Тегишли шахслар ҳукм ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга. Яна бир нарсани айтиш керакки, прокурор қороловчи, у протестни ҳамиша оғирлаштирувчи томонга киритади.

— Яна тағин прокурор судьянинг ишини ҳам назорат қилади, — дейди суҳбатимизни ҳалига қадар индамасдан тинглаб турган Аҳмадали Қурбонов. — Прокуратура таклифи билан судьяни ишдан олиш ҳақида тавсия киритилиши, ҳатто прокуратура томонидан судьяга нисбатан жиноий иш қўзғатилиши мумкин. Демак, судья прокуратуранинг кўпам жиғига тегавергиси келмайди. Оч қорним, тинч қулоғим, деган гап бор ахир.

*— Демак, судья прокуратура билан ҳисоблашишга мажбур, адвокат эса ўгай. Адвокат на жиноий иш билан танишишга, на ҳимоясидаги гумондор билан учрашишга, на тергов жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас экан-да. Энг қизиғи, оддий қилиб айтганда, прокурор қороловчи, адвокат оқловчи ҳисобланади. Демак, уларнинг ҳуқуқлари тенг бўлиши керак, гўё. Амалда эса қороловчида ҳамма ҳуқуқ бору, оқловчида ҳеч нарса йўқ. Ҳуқуқтартибот идораларининг устидан норозилик бот-бот учраб туришининг сабаби балки шу ердадир?*

А. Қ.: — Албатта! Қисқа қилиб айтилганда, бугун прокурор ҳам қамоққа олаяпти, ўзи жиноий иш қўзғаяпти, яна тергов устидан ҳам ўзи назорат қиляпти. Суд эса номи ҳокимият бўлгани билан амалда тобе орган бўлиб қолмоқда.

Ф. А.: — Судьянинг мустақиллиги қай даражада эканлигини кўрсатувчи бошқа оддий мисоллар ҳам бор. Масалан, жойлардаги олий маълумотли, маълум малакага эга судьялар маҳаллий адлия бошқармаларининг кеча иш бошлаган оддий ходимларига ҳисобот бериши керак. Қолганини ўзингиз тушуниб олаверинг, Президент тайинлаган судьяни кимлар назорат қилаяпти?


*(Давоми 2-бетда)*


*Автобусда ўз хаёлларим билан кетаётган эдим. Аммо орқа ўриндиқдагиларнинг ўзаро суҳбатлари эътиборимни ўзига тортди.*

*— «Левий»йўл қидиргунча биронта яхшироқ адвокат топсангиз бўлмайдими?*

*— Э, адвокат билан ҳам гаплашиб кўрдим. Уларнинг ўзи шу йўлни маслаҳат беришаяпти. Агар прокуратура қарши тураверса ўғлингизнинг ҳақлигини исботлаб бўлмайди, дейишди.*

*— Нега энди, бу нарсанинг уюштирилгани кўрга ҳассадай аниқ бўлиб турибдику?*

*— Ҳа, мен ҳам шунга куяяпман-да. Шу пайтгача кимга учрашган бўлсам ҳаммаси шундай дейди. Лекин, амалий ёрдамга келганда ... иложи йўқ эмиш. Биттаю битта йўл ўша уюштирганларнинг ўзини «рози» қилиш.*

*... Тўғрисини айтганда, бу мазмундаги гап мен учун, ҳатто азиз газетхоплар учун ҳам янгилик эмас. Аммо, нима сабабдандир, автобусда эшитганларим менга бошқачароқ таъсир қилди. Кўзимни очгандай бўлди. Наҳотки, бундай нохуш ҳолларга бутунлай барҳам беришнинг иложи бўлмаса? Наҳотки, қабул қилинаётган янги-янги қонунлар ҳам ҳали-вери ўз кучини кўрсата олмаётган бўлса? Нима сабабдан фуқаро ҳуқуқини ҳимоя қилиши керак бўлган адвокатнинг ўзи «левий» йўлни тавсия қилади? Бу туришда адвокатурамизнинг аҳволи совет давридагидек қуруқ ном бўлиб қолавермайдими?*

*Хуллас, безовта қилган ушбу саволларга жавоб топиш учун Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси президенти Файзулло Ашуровнинг ҳузурига шошилдим. У эски ётоқхона ўрнида жойлашган шифохонасида (Нуқул прокуратура идораларининг ҳашаматли биноларига дуч келаверганим учунми, бино кўзимга ғалатироқ, адвокатнинг қудратига шама қилаётгандек туюлди.) ассоциациянинг Фарғона бўлими бошлиғи, Раёсат раиси Аҳмадали Қурбонов билан нималарнидир гаплашиб ўтирган экан. Суҳбат қилиш фикримни эшитиб, бошқа раҳбарлардан фарқли ўлароқ, иккаласи ҳам хурсанд бўлиб кетишди.*

# Чинакам миллий тикланиш даври

***Куни кеча Президент Ислом Каримов бир гуруҳ ватандошларимизга тантанали вазиятда давлатимизнинг юксак мукофотларини топширди. Мукофотлангалар орасида Бобур номидаги Халқаро жамғарма раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, табиатшунос олим Зокиржон ака Машрабов ҳам бор.***

***Биз у кишини маросим залининг ўзидаёқ суҳбатга тутдик.***

— Аввало, кўплаб ватандошларимиз қатори менинг ҳам оз хизматларимни кўп ўрнида кўриб, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирлаганлари учун муҳтарам Президентимизга чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман.

Давлатимиз, халқимиз номидан берилган бу юксак мукофотни мен Бобур номидаги Халқаро жамғарма фаолиятига, улуғ ватандошимиз ижодининг барча мухлислари ва тадқиқотчиларига, қолаверса, бутун андижонликларга берилган мукофот, деб биламан.

Йўлбошчимиз Ислом Абдуғаниевичнинг бетакрор тарихимиз, ўлмас меросимизни ўрганиш, уни асраб-авайлаш, маънавиятимизни тиклаш ва юксалтириш борасидаги буюк ватанпарварлик, миллатпарварлик фаолияти, савобли ишлари биз учун доимо ёрқин намуна ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Шунинг учун мен комил ишонч ва фахр билан айтаманки, йигирманчи асрнинг охири ва йигирма биринчи асрнинг боши Ўзбекистон тарихида том маънодаги миллий тикланиш даври бўлиб қолади. Бунда, албатта, юртимиз раҳбарининг хизматлари мислсиздир.

Мана яқинда у кишининг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида халқимиз, бутун дунё маданий жамоатчилиги иштирокида улуғ аждодларимиз Имом Бухорий ва Аҳмад Фарғонийнинг муборак тўйларини нишонладик. Бу азиз зотларнинг арвоҳларини шод этиш йўлида қилинган беқиёс ишлар ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Мен шарқ мамлакатларида бўлиб Умар Ҳайём, Фирдавсий ёки Жалолиддин Румий, ёки айтайлик, Маҳмуд Қошғарийларнинг муаззам мақбараларини, уларга атаб барпо қилинган улкан боғ-роғларни зиёрат қилганимда, қани энди, бизда ҳам улуғ аждодларимизнинг номига, обрўсига, қолдирган меросига тўла муносиб бўлган ёдгорлик мажмуалари тикланса, деб орзу қилар эдим. Бугун юртимиздаги Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк сиймолар хотирасига бағишлаб барпо этилаган улуғвор обидаларни, боғ-роғлару муқаддас зиёратгоҳларни кўрганимда, ана шу орзумиз рўёбга чиқаётганидан чексиз шодланаман.

Етти йилдирки, Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция озод Ўзбекистон давлатининг раҳбари сифатида Ислом Каримов дунёга очган йўллар бўйлаб халқимиз, юртимиз номини жаҳонга тарғиб ташвиқ қилиб юрибди. Жамғармамиз ташкил топган кунидан бошлаб биз Президентимизнинг доимий диққат-эътибори ва амалий ёрдамини ҳис қилиб келмоқдамиз ва бу билан чексиз фахрланамиз.

Жамғармамиз кенг жамоатчиликка, Андижон халқи, вилоят ҳокимлигининг амалий ёрдамига таяниб, улуғ аждодимиз ижодини ўрганиш бўйича бир қанча ишларни амалга оширди. Бу хусусда матбуот, радио-телевидение орқали батафсил ҳикоя қилинди. Шу боис яна бу тўғрида батафсил тўхталиб ўтиришнинг балки зарурати йўқдир. Фақат мавриди келиб қолгани учун бир неча факт ва рақамларни қайд этиб ўтишни жоиз деб биламан.

Илмий экспедициямиз, юқорида айтганимдек, шу кунга қадар ўн бешдан ортиқ шарқ мамлакатлари бўйлаб автомобилда етти бор илмий сафар уюштирди. Экспедиция аъзолари Осиё, Африка ва Европа қитъаси ҳудудларида жами бўлиб 200000 километрга яқин масофани босиб ўтдилар.

Биз Бобур ва бобурийлар қадамжолари, умуман Марказий Осиё ҳудудидан етишиб чиқиб, шарқ ўлкаларида яшаб фаолият кўрсатган ва умрини шу жойларда якунлаган кўплаб тарихий шахсларнинг, жумладан, Бобур, Ҳумоюн, Акбар, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб, Зебуннисо, Бедил, Мирзо Ғолиб, Хусрав Деҳлавий, Беҳзод, Машраб, Беруний, Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Жомий, Носир Мирзо, Жаҳонгир Мирзо, Ибн Сино, Яссавий, Румий, Али Қушчи, Форобий, Фарғоний, Офоқ Хўжа, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Фурқат ва яна бошқа ўнлаб сиймоларнинг илмий мероси, абадий оромгоҳларига оид муҳим янги маълумотлар тўпладик ва уларни илмий истеъмолга киритдик.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йил 4 октябрда Андижон шаҳрида бизга берган топшириғига биноан Афғонистоннинг Ҳирот ва Ғазна шаҳарларида қаровсиз аҳволга келиб қолган Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Камолиддин Беҳзод, Бобораҳим Машраб каби алломаларнинг қабр-мақбаралари ҳолатини ўргандик, уларни тиклаб-таъмирлаш юзасидан лойиҳа ишларини тайёрладик.

Абу Райҳон Берунийнинг Ғазнадаги, Аҳмад Фарғонийнинг Қоҳирадаги қабридан тупроқ олиб, она ватанимизга келтирдик. Ҳозирги кунда Беруний туманида буюк алломанинг ўша табаррук тупроқ қўйилган рамзий қабр-мақбараси ва ёдгорлик мажмуи барпо этилмоқда.

Сафарлар давомида қўлга киритилган маълумотлар асосида ўндан зиёд илмий тадқиқотлар, ҳужжатли ва бадиий асарлар дунёга келди. Булар қаторида профессор Сайфиддин Жалиловнинг «Бобурнинг Фарғона давлати», «Бобур ва Андижон», Қамчибек Кенжанинг «Саёҳатнома», Зокиржон Машрабов ва Собиржон Шокаримовнинг «Асрларни бўйлаган Бобур», Хайриддин Султоновнинг «Бобурнинг тушлари» ва «Бобурийнома», Рустам Шамсиддиновнинг «Бобурийлар изидан», «Бобурийлар сулоласи», Тўлан Низомнинг «Бобур» достони ва бошқа китобларни кўрсатиш мумкин. Экспедиция тўплаган илмий маълумотлар ўнга яқин ҳужжатли кино-видеофильмларда, жумладан, тележурналист Фарруҳ Расуловнинг «Бобур изидан», «Муқаддас қадамжолар», марҳум кинорежиссёримиз Тўлқин Рўзиевнинг «Бобур саломи», «Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция», телережиссёр Толиб Ҳамидовнинг «Ифтихор» каби ленталарида ўз аксини топди.

Жамғарманинг халқаро алоқалари ҳам жонланиб бормоқда. Бобур ижодининг чет эллардаги чинакам мухлислари ёрдамида ҳозирга қадар Лоҳур (Покистон), Ҳайдаробод (Ҳиндистон), Абу Даби (Бирлашган Араб Амирликлари), Билдьфельд (Германия), Ўш (Қирғизистон), Наманган (Ўзбекистон) шаҳарларида жамғармамиз бўлимлари ташкил этилди. Мазкур бўлимларда бобурийлар меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш соҳасида, адабиётлар, илмий маълумотлар билан алмашиш борасида имкон доирасида иш олиб бормоқдамиз.

Биз яқиндагина Германиянинг «Хонзель» фирмаси билан амалий ҳамкорлик доирасида шартнома имзоладик. Шарқ маданиятининг мухлиси, доктор Ян Хонзель раҳбарлик қилаётган бу фирма ҳозирги вақтда бизнинг илтимосимизга кўра Европа мамлакатларининг музей ва кутубхоналарида сақланаётган темурийлар-бобурийлар тарихига оид қўлёзмаларни ўрганиш, иложи бўлса, улардан нусхалар олиб, Андижондаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейига жўнатиш ҳаракатига киришди.

Изланишлар натижасида Гамбург шаҳридаги музейда Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо ва Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Шоҳғариб Мирзо қаламига мансуб қўлёзма девони сақланаётгани маълумдир. Немис дўстларимиз ҳозир шу қўлёзмадан кseронусча олиб, музейимизга тақдим этиш учун амалий ишга киришдилар.

1998 йили февраль ойида Жамғарма ташаббуси билан Тошкент ва Андижон шаҳарларида Бобур Мирзонинг 515 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Жамғарма таъсис этган бобуршунослик соҳасидаги халқаро мукофотлар шу йилнинг 14 февраль куни Андижон шаҳрида биринчи марта ўз лауреатларига топширилди. Мамлакатимиз ва чет элларда фаолият олиб бораётган таниқли олим ва адиблар, санъат ва меъморчилик намояндалари — Пиримқул Қодиров, Сабоҳат Азимжонова, Ғайбуллоҳ ас-Салом, Неъматулла Отажонов, Эйже Мано (Япония), Муҳаммадали Абдуқундузов, Хайриддин Султонов, Мақсуд Юнусов, Шафиқа Ёрқин (Афғонистон), Маъмуржон Тўхтасинов, Равшан Миртожиев, Раҳмонжон Азимов, Муҳаммаджон Мирзаевлар бу юксак мукофотга сазовор бўлдилар.

Раёсатимиз қарорига кўра биз ҳар йили Бобур Мирзо таваллуд топган муборак кунда унинг илмий меросига бағишлаб халқаро илмий анжуман ўтказишимиз лозим. Шу кунларда 1999 йили бўладиган навбатдаги халқаро тадбирга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Унда мамлакатимизнинг етакчи бобуршунослари билан бирга хорижий мамлакат олимлари, жумладан, ҳиндистонлик профессор Қамар Раис, афғонистонлик бобуршунослар Шафиқа Ёрқин ва Абдулҳаким Шаръий Жузжонийларнинг илмий маърузалар билан чиқишлари мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга биз Жамғармамиз қошида «Бобур кутубхонаси»ни ташкил этиш ниятидамиз. Мақсадимиз — темурийлар ҳақида, Бобур ва унинг шонли сулоласи ҳақида яратилган илмий-бадиий асарларни тўплаб, уларни биринчи галда мамлакатимиз ва қўшни давлатларнинг Бобур қадамжолари билан боғлиқ шаҳар-қишлоқларидаги мактабларнинг кутубхоналарига хайрия сифатида совға қилишдан иборат. Сир эмаски, ҳозир кўпгина кутубхоналар янги адабиётлар билан таъминланиш борасида муайян қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Шунинг учун ҳам биз бу ишда баҳоли қудрат ёрдам беришга қарор қилдик.

Ана шундай хайрия ишларимиздан яна бири шундан иборатки, Тошкент Давлат техника университетида таълим олаётган ҳиндистонлик Бобур авлоди Аброр ибн Умар Жамғарма стипендиясини олиб ўқимоқда.

Илмий экспедициямиз аъзолари эса шу кунларда янги бир лойиҳа устида иш олиб боришмоқда. Бу лойиҳа «Ўзбекистон қарвони Буюк Ипак йўлида» деб аталади. Унга кўра дастлаб отлар ва туялардан иборат карвон билан йўлга чиққан экспедиция кейинчалик сафарини автомобилда давом эттириши, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой — Ҳиндистон — Бирма ҳудудлари орқали ўтиб, Рангун шаҳрида дафн этилган сўнгги Бобурий ҳукмдор Баҳодиршоҳ Зафарнинг мангу оромгоҳи ҳолатини ўрганиши, имкон доирасида уни тиклаб-таъмирлашга доир тадбирларни бажариши кўзда тутилган.

Шубҳа йўққи, мана шу улуғ карвон йўлларидаги бизнинг биринчи вазифамиз озод Ўзбекистон давлатини, унинг бой тарихи ва бугунги сермазмун ҳаётини, тинчликсевар сиёсатини, меҳнаткаш, бағри кенг халқини бутун дунё аҳлига танитиш, тарғибу ташвиқ қилишдан иборат бўлади.

Мен қилинган ишлар ҳақида ҳисобот бериб вақтларингизни олиб ўтирмоқчи эмасман. Фақат шуни айтмоқчиманки, агар истиқлол бўлмаганда, озодлик бўлмаганда, Президентимизнинг оқилона ва одилона сиёсати бўлмаганда, бундай ишларни ҳатто орзу ҳам қилолмаган бўлардик.

Шунинг учун биз хоҳ юртимизда, хоҳ чет элларда бўлмайлик, қандай иш билан шуғулланмайлик, ҳамиша юртбошимизнинг амалий ёрдами, қимматли йўл-йўриқларини ҳис қилиб яшаймиз. Давлатимизнинг олий нишонлари билан мукофотланганлар орасида Бобур экспедициясининг тўрт нафар аъзоси бор. Булар — «Ўзбекистон халқ шоири» унвони билан мукофотланган Тўлан Низом, «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлган профессор Сайфиддин Жалилов, «Шуҳрат» медали билан тақдирланган Қамчибек Кенжа ва каминадир. Муқаддас Ватанимизнинг бундай рағбат ва ишончи бизга янги куч-қувват ва илҳом бағишлайди.

Мен бундан буён ҳам — токи умрим бор экан, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлашга, улуғ аждодларимизнинг номларини абадийлаштириш, руҳларини шод этиш борасида юртимизда бошланган эзгу ишларга қўлимдан келганича ҳисса қўшишга ҳаракат қилавераман.

***С. ХЎЖАЕВ ёзиб олди***

# Сифатига кафолат бор

***«Қаршисут» ҳиссадорлик жамияти жамоаси кейинги йилларда маҳсулот турларини кўпайтириб сифатини тобора оширмоқда. Мақсад рақобатбардош маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш. Маҳсулот тайёрлаш эса истеъмолчиларнинг талаб-истакларини ўрганишдан бошланади. Фақат сон кетидан қувиш ҳам ярамайди. Маҳсулотнинг мазаси тўйимлилиги ҳам ҳисобга олиниши шарт. Акционерлик жамиятида маҳсулот турлари кўпайиб бориб, айни пайтда қаймоқлар, пишлоқлар, сузмалар, ширин пишлоқлар, сариёғнинг 30 тури тайёрланмоқда. Цехларга ўрнатилган юксак унумли янги замонавий техникалар туфайли бу ерда бир кеча-кундузда 100 тоннадан зиёд сут қайта ишланмоқда. Яқингинада бу ерда Голландия технологияси асосида пишлоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Заводдагиларнинг янги маҳсулоти ҳозирги замон талабларига тўла жавоб берсада, нархи арзон. Корхонанинг Қамаши, Ғузар, Касби ва Косондаги филиалларида ҳам замонавий технологик линиялар ўрнатилганлиги қувончли бўлди. Бош корхонада эса, Италиянинг «Филмарк» фирмасида тайёрланган музқаймоқ ишлаб чиқариш бўйича электрон қурилмалар ўрнатилган. Бу йил 97 тонна ана шундай маҳсулот тайёрланади.***



**Суратда: корхона цехларидан бирида.**

***Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат***

# Фестивалларда... совринлар...

Абдуғани Абдикамолов қорақалпоқ маданиятининг ҳақиқий жонкуяри, ўз касбининг фидойиси, 30 йилдан буён ёшларга мусиқа, маданий-маърифий соҳаларда таълим бериб, клуб муассасалари ишларини яхшилаш, томошабинларни одоб-ахлоқ, эстетик руҳда тарбиялашга, ҳаваскорларнинг ижодкорлик маҳоратини оширишга ўз ҳиссасини қўшиб, эл ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда.

Абдуғани Абдикамолов Қорақалпоғистон Республикаси маданият ишлари бўйича вазирлигининг халқ ижодкорлиги ва маданий-маърифий ишлари республика илмий-методик марказининг раҳбари лавозимида ишлади. Миллий фольклор-этнография ансамбларининг сони кўпайди. Республикада миллий ансамбллар, «бешик тўй», «алла» қўшиқлари, жировлар, бахшилар, қиссахонлар, чанқовузчилар, халқ миллий соз-асбобларини чалувчилар, тўйларда айтиладиган қўшиқлар кўрик-танловлари ўтказишга катта эътибор берилди.

Қорақалпоғистондаги «Наврўз» байрамининг биринчи сценарийси ҳам Абдуғани томонидан ёзилган. Ёшлар намунавий тўйининг безаги бўлган «Остонаси тиллодан» («Алтын бўсағa») номли сценарийси Чимбой шаҳри ҳаваскорлари тарафидан саҳналаштирилиб, бу саҳнани «Қорақалпоқфильм» студияси ҳужжатли фильм қилиб суратга олди ва телевидение орқали берилди.

1996 йили унинг А. Жузимбетов билан биргаликда «Клуб драматургияси ва миллий анъаналар» номли китоби нашр этилди...

Қорақалпоғистон маданиятини, клуб-муассаса ишлари, бадиий ҳаваскорликни ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси маданий-маърифий ишлари аълочиси А. Абдикамолов 1994 йили Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ҳозир А. Абдикамолов К. Айимбетов номидаги Нукус маданият техникумида ўқитувчи бўлиб ишлаяпти. Унинг ижоди айни тўлишган. Жонкуяр мутахассисни клуб муассасалари ходимлари, кўп сонли ҳаваскорлар устоз сифатида ҳурмат қилишади.

***А. ЖУЗИМБЕТОВ, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.***

*Мулоҳаза*

# Обунадаги тенгсизлик

Бундан икки йил аввал сафарга чиққанимизда «Ёш куч»нинг бош муҳаррири қадим Бухоро осори атиқалари, кошона, кўҳна гўшаларини кузатар чоғида жуда беҳаловат, жуда бетоқат эди. Сабабини сўрасам, ўзи билан автобусга юз нусха «Ёш куч»нинг янги сонини ҳам олиб чиққан экан. Уларни сотишни, ўз эгаларига етказишни ўйлаб дили ҳалак экан... Шу кунларда ўша бош муҳаррирга ҳавас қиладиган бўлиб қолдим. Нега дейсизми? Агар биз ҳам тандирдан узилган нондек, иссиққина янги газетамизни совутмай ўз ўзимиз ва автобусимиз ёки ёлланган поезд ва тайёрамизда узоқ вилоятларга, чекка шаҳар ва қишлоқдаги ўқувчиларимизга узатсак эди, эҳтимол, обуначимиз ҳам кўп бўларди, ўқувчиларимиз ҳам ўз газеталарига фаолроқ таъсир кўрсатарди, долзарб мавзуларни кўтариб чиқишимизга кўмаклашган бўлардилар.

Ҳа, ниятимни, имкониятимизни сизга дангал тушунтирадиган бўлсам, биз болаларнинг ҳақи ҳисобидан почта, алоқа идораларини боқиб ўтирибмиз!

Тошкент шаҳри учун ҳар ҳафтада ўн олти саҳифада чоп этилаётган «Тонг юлдузи» «Ёш иқтисодчи» иловаси билан якка тартибдаги обуначилар учун 672 сўм, ташкилотлар учун бир йилга 708 сўм.

Фарғона вилояти учун якка обуначилар 1378 сўмга ёзиладилар. Ташкилотлар учун эса 1496 сўм!

Хоразм вилояти учун 1668 сўм, якка тартибда бир йилга, 1920 сўм ташкилотлар учун....

Қорақалпоғистону Андижон..... қолган узоқ вилоят ва туманлардаги обуначиларимиз тўлайдиган пул миқдорини айтмай қўя қолай! Сиз ҳам бола бўлиб таниган алифбо газетангиз «Тонг юлдузи» («Ленин учқуни» десам яхшироқ танийсиз) ҳадемай етмишга тўлади. Ўз ўқувчилари миллиондан ошган пайтларда бир хонадонда беш нафар мактаб ўқувчиси бўлса, бешаласи учун уларни эшикдан йўқлаб келган шу газета бугунги кунда жуда оз нусхада чоп этиляпти. Қарийб олти миллион ўқувчи ва ўсмирлар бор мамлакатда эллик минг нусха, холос. Демак, нархи баландлигидан, демак мутасадди ташкилотлар, бойвачча ҳомийлару болапарвар жамғармаларнинг эътиборсизлигидан бу! Аслида, болалар учун уларнинг қизиқиш ва хоҳишларига қараб газета ва журналлар сонини кўпайтириш керак. Маънавият, билим-газета ва журналлар орқали олинади-да, деб биз журналистлар куйиб-пишиб юрган пайтда аҳволнинг бундай тус олиши ачинарли ҳол. Тошкент шаҳри билан Фарғона ўртасидаги фарқ — 706 сўм бўлса, Тошкент билан Хоразм ўртасидаги фарқ — 996 сўм! Бу дегани фарғоналик ёки хоразмлик ўқувчилар икки-уч баробар қиммат нархда «Тонг юлдузи» оладилар дегани эмасми? Ҳа, биз чиндан ҳам болаларнинг ҳақи ҳисобидан почта, алоқа идораларини боқиб ўтирибмиз! Ахир тафовут ҳам шунча бўладими?!

Бундан кўра, балки келаси йилдан газетамизнинг ҳар сонини Хоразм ва Фарғонада чоп этиш керакдир? Маҳаллий босмахоналар билан ҳамкорлик қилсак, ўқувчиларга газета арзон тушармиди? «Ёш куч» муҳаррири каби жойларга бориб, ўзимиз тарқатайликми? Сиз нима дейсиз? Ижодкор ижод билан, куннинг долзароб воқеа ва ҳодисаларини саҳифаларга муҳрлашдан ташқари, ўша меҳнатлари меваси — газетасини энди сотиб, тарқатиб, ўқувчиларини излаб юриши қолувди?..

***Умида АБДУАЗИМОВА, «Тонг юлдузи» газетасининг Бош муҳаррири***

# Камчиликлар бартараф этилди

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани назорат инспекцияси ходимлари томонидан Республика Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси шаҳар ва туман ҳокимлари қарорлари ижро этилиши доимо назорат қилиб келинмоқда. Шу йилнинг сентябрь, октябрь ойлари давомида Республика Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида», «Тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонлари ва Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳридаги маъмурий бинога-ларга қўлланиладиган энг кам миқдордаги ижара ҳақи вставкалари тўғрисида»ги қарорини жойларда ижро этилиши ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижаларига кўра, туман халқ таълими тизимида ушбу Фармонни бажарилиши юзасидан айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, туманда жойлашган 153-мактаб раҳбарияти томонидан ушбу фармонлар бажарилиши бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Фармон мазмун-моҳияти педагогик жамоага етказилмаган. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини» амалга ошириш бўйича амалий ишлар қилинмаганлиги маълум бўлди, йўл қўйилган камчиликлар учун 153- мактаб директори А. Қосимов ўз вазифасидан озод қилинди. Тошкент шаҳар ҳокимининг 442-сонли қарорини бажарилиши ўрганиб чиқилганда бу борада ҳам камчиликлар борлиги аниқланди. Жумладан, туманда жойлашган «Маъмур савдо» хусусий фирмаси туман маъмурий бинолар бошқармаси билан шартнома тузган бўлишига қарамай, кўрсатилган шартларни кўпол равишда бузиб, ижара ҳақини узоқ муддат давомида тўламай, давлат еридан ноқонуний равишда фойдаланган. Савдо қилиш қоидалари ҳам фирма раҳбарияти томонидан сурункали равишда бузилган.

Фирмага қарашли дўконда туман ҳокимлиги томонидан бериладиган савдо қилиш учун рухсатнома бўлмай туриб савдо қилинган. Ушбу фирманинг ноқонуний фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш учун тегишли ҳужжатлар туман прокуратурасига юборилди.

***Б. АБДУҚАЮМОВ, Ҳамза тумани назорат инспекцияси бош мутахассиси.***

# Оқловчи! Нега оқлай олмайсан!!!

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

каби ё судга, ё прокурорга, ё милицияга бўйсунмайди. У мутлақо мустақил фаолият юритади. Фақат бу жараёнда даъвогар (милициями, прокурорми) ҳам, адвокат ҳам холис кузатувчи сифатида тўлиқ қатнашиб боради. Тергов тугагандан кейин эса жиноят иши гумондор, оқловчи (адвокат) ҳамда қораловчи (милиция, прокурор), шунингдек, гувоҳлар иштирокида суд залида кўриб чиқилади. Судья қўлидаги тергов хулосасини оқловчи ва қораловчининг важлари, тавсия қилган ашёвий далиллари ҳамда гувоҳларнинг берган кўрсатмалари билан солиштириб маълум бир қарорга келишга етарли асос бўлгандагина ҳукм чиқаради. Кўриниб турибдики, бу тартиб адолат қарор топиши учун қулай имконият.

А. Қ.: — Яна бир нарсани эътиборга олиш керак, судья ҳамиша мустақил бўлиши лозим, токи унга ким томонидандир тазйиқ ўтказиш имконияти бўлмасин. Мулоҳаза тарзида демоқчиманки, у кимгадир ҳисобот бериши, айтганини қилмасам эртага мени ишдан олиб ташламасмикан, деган хаёлга бормаслиги керак. Бизнингча, судьяни умрбодликка тайинлаш, моддий таъминотини етарли даражада қилиб қўйиш керак. Масалан, ундирилаётган жарималарнинг ҳисобига.

*— Унга моддий бойлик учун эмас, фақат одамлар ишончи учунгина эҳтиёж бўлсин, демоқчисиз-да?*

А. Қ.: — Албатта-да, ўзингиз ўйлаб кўринг, бугун судьянинг ойлиги данғиллама уй қуришга, қўша-қўша машина олишга етадими? Бунинг устига унинг бошқа иш билан шуғулланиши, масалан тижорат қилиши мумкин бўлмаса. Буни оддий халқ ҳам жуда яхши билади. Баъзи судьялардаги бойликлар қаердан келаётганини ҳам. Бу аҳволда судьяга ишонч қоладими?

*— Айрим судьянинг уйини, юриш-туришини кўрган одам иши тушган пайтда аввало нимадир «узатиш» пайига тушади. Унинг умидворлигига кўзи етади-да, тўғрими?*

А. Қ.: — Яхши англабсиз. Ҳатто айбсиз одам ҳам, бирон чигал чиқармасин, деган хаёл билан шу ишга қўл уради. Бундан келиб чиқадики, судьяга ишонч бўлиши учун аввало унинг моддий таъминоти етарли эканига ишонч бўлиши керак.

*— Кўриниб турибди, маълум чегара қўймасак суҳбатимиз ҳеч охирламайди. Келинг, шуниси сўнгги савол бўлсин. Мана, адвокат муаммолари ҳақида анчамунча гап-сўз бўлди. Аммо, адвокатура тўғрисидаги янги қонунда Сизларга анча-мунча имконият яратиб берилган-ку? Наҳотки, улардан фойдалана олмаётган бўлсаларингиз?*

Ф. А.: — Аввало, «Адвокатура тўғрисида»ги 1996 йил кучга кирган қонун ишлаб чиқилаётганда адвокатлар фаол иштирок этмаганлиги учун у бизнинг имкониятларимизни тўла қамраб ола олмаган. Аммо мен уни бутунлай яроқсиз демоқчи эмасман. Унда ҳам талай имкониятлар яратиб берилган. Қолаверса, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва уларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаси бизнинг тўла иштирокимиз асосида яратилди. Ҳозир бошқа таклифларимизни ҳам билдирмоқдамиз. Худо хоҳласа у кўнгилдагига анча яқин, анча мукаммал қонун бўлади. Бироқ, масаланинг бошқа томони бор. Амалдаги Жиноят кодекси ва Жиноят процессуал кодексларида уларни инкор қилувчи моддалар мавжуд. Агар улар кейинги қонунларга мослаштирилмас экан, амалда ҳеч нарса ўзгармайди.

*— Жойларда ўша кодексни рўкач қилиб туришаверади-да?*

Ф. А.: — Бу шунчаки тахмин эмас, амалда бошимиздан ўтказиб турибмиз.

А. Қ.: — Кечирасизу, агар мумкин бўлса, ўрни келганда яна бир гапни айтмоқчийдим. Ҳозирги кунда расмий маълумотларга кўра қамоқхоналарда жойлар тор. Бу эса ўз-ўзидан у ердаги ҳавонинг ифлосланишига, касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин . Оқибатда муддатини ўтаб чиққан маҳкумлар касалманд, ишга яроқсиз бўлиб қолади. Маълумотларга кўра ҳозир қамалиб чиққанларнинг 15 фоизигина ишлаётганлиги, қолганлари бекорлиги ҳам фикримизнинг исботи. Бу, айниқса, биринчи марта жиноят қилганлар, балоғат ёшидагилар учун ёмон таъсир қилади. Уларнинг бутун кейинги ҳаётини издан чиқариши ҳам ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам таклиф қилардикки, Жиноят кодексининг 72-моддасини кўпроқ қўллаш керак. Афсуски, ушбу «Шартли жазо белгилаш» тўғрисидаги модда бугун деярли қўлланилмаяпти. Ахир, ушбу моддада «айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса шартли жазо белгилаши мумкин» деб қайд қилинганку. Биринчи марта жиноят йўлига кириб қолган ёшларнинг жазони ўтамасдан тузалишига нақотки ишонч бўлмаса? Аслида, йўлга кирмаган тақдирда ҳам ортиқча муаммо туғилмайди. Синов муддати олиб ташланади, тамом, тегишли жазосини ўтайверади. Жиноятчи ҳам жамиятнинг бир бўлаги. Уни бирдан улоқтириш эмас, баъзан тузалиши учун имкон ҳам бериб кўрилса нимаси ёмон?

Ф. А.: — Бу йўл билан ҳам қамоқхоналардаги баъзи муаммолар ўз ечимини топади, ҳам ортиқча маблағ сарфланишининг олди олинади.

*— Безовта қилган бўлсак узр. Қимматли мулоҳазаларингиз учун эса катта раҳмат. Уйлаймизки, ҳали бу соҳада Сизлар билан кўп гаплашамиз ва бунга кенг жамоатчилик ҳам бефарқ қараб турмайди.*

**Суҳбатдан чарчаб қайтдимми, ёки енгилми, ўзим ҳам билмадим. Балки буни ўқувчи мендан кўра яхшироқ ҳис қилар. Мен англаган ягона нарса эса судьялар ҳузурига ҳам шошилишим кераклиги бўлди. Хўш, ким экан ўша? Қўнғироқларингизни кутамиз, ҳурматли судьялар.**

***Нурбек Тошниёз, «Ўзбекистон овози» мухбири***

# Учинчи минг йиллик қачон бошланади?

Зиёли аҳли ўртасида баъзан шу тахлитдаги баҳс-мунозараларнинг гувоҳи бўламиз. Қайси бири тўғри: янги XXI аср 2000 йилнинг биринчи январиданми ёки 2001 йилнинг биринчи январидан бошланадими?

Бу масалада ҳатто собиқ генсек Михаил Горбачёв ҳам «хол қўйган» экан. У 1989 йилнинг сўнгги кунларида «совет халқига янги йил табриги»да: «1989 йилнинг сўнгги дамлари ўтиб бораяпти, у билан бирга бутун бир ўн йиллик ҳам тарих қаърига кириб боряпти...» тарзида қовун туширгани энди маълум бўлиб қолди.

Ҳолбуки у айтган «бутун бир ўн йиллик» ўша пайтда янги, 1990 йилда эмас, орадан... бир йил ўтгач кириб келди! Яъни 1991 йилнинг 1 январидан XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги кириб келди! Горбачёв 1990 йилнинг 1 январидан кириб келади, деб, бир йилга адашган эди.

Бундай адашишлар ўтмишда ҳам учраган.

Масалан, Петр жаҳон цивилизациясидан ўта хабардорлигини пеш қилиб қўпол хатога йўл қўйган, санамай саккиз деб юборган экан. Мана, унинг хатоси: Петр «1700 йилнинг 1 январидан янги аср бошланади» тарзида фармонга имзо чекиб юборган?!

Аслида янги аср — янги юз йиллик, яъни XVIII аср 1701 йилнинг 1 январидан кириб келди! Петр ҳовлиқиб айтган 1700 йил аслида XVII асрнинг охирги йили эди.

Хуллас, янги XXI асрнинг қачон кириб келишида адашиб ўтирмайлик: 2000 йил — учинчи минг йилликнинг бошланиши эмас, балки у иккинчи минг йилликнинг сўнгги йили ҳисобланади. Бу борада яна баҳс-мунозара бўлмаслиги учун оддий арифметикага мурожаат қилайлик. 1 дан 10 гача санашда кўпчилик адашмайди. Аммо иккинчи ўн кунлик эса 10 дан эмас, 11 дан бошланиши ва 20 ҳам шу ўнликка кириши тайин-ку.

Демак, XXI аср, яъни учинчи минг йиллик 2001 йилнинг 1 январидан бошланади! Ҳали унга икки йилу бир ойча вақт бор!

# Самода ҳам бойлик бор

Ер ости ва усти бойликлари чексиз эмас. Унинг ҳам ҳисоб-китоби бор. АҚШ мутахассисларининг айтишларича, Ер курраси яқинида жойлашган жуда кўплаб само жисмлари мавжуд: уларда никель, темир, кобальт сероб экан. Америкаликлар 20 йилдан кейин руда олиш базасини самода яратиш режасини тузишган эди.

«2017 йилнинг октябрь ойи. Инсоният қашшоқликни тугатганига бир неча йил бўлди. Бундан буён бойлик фақат ердан олинмай, балки фазодан ҳам олинади. Куррамиздан олис-олисларда роботлар астероид конларини қазий бошлайди, ундан ноёб маъданлар олади. Ишларнинг боришини ва машиналарнинг муҳофазаси устидан бор-йўғи бир неча киши кузатиб туради, холос.

Ерда эса самодан қимматбаҳо юкларни қабул қилиб олиш базалари қурилган...»

Бундай илмий-фантастик кинофильмлар кўп бор намойиш этилган. Кинода, дерсиз.

Аммо қувонарлиси шундаки, энди у ҳаётга ҳам татбиқ этилмоқчи. АҚШда олимлар ва мутахассислар тайёрлаган докладда айтилишича, битта астероиддан фойдаланишнинг ўзи 125000 миллиард франк фойда бераркан!

Америка ҳукумати ҳозир Колорадода жойлашган иқтидорли хусусий жамият ҳисоб-китобларини кўриб чиқди ва 20 йилдан кейин астероид кон базасини жиҳозлаши ҳақида ўз дастурини эълон қилди. Бу ақл бовар қилмас ташаббус бошида микроинформатика соҳасида иш олиб бораётган бойбадавлат киши — Жеймс Уильям Бенсон турибди!

«Ҳозирги пайтда, — дейди у, — биз Ер курраси-га энг яқин турган уч мингдан зиёд само жисмлари борлигини биламиз. Улардан айримларида никель, темир, кобальт сингари қимматли металлар бор. Уларда хомашё керагидан ошиқча, бу бутун ер юзи аҳолиси эҳтиёжини тўла қондиради».

Яқинда Бенсон Туксондаги университетда сайёралар тўғрисидаги фан департаменти томонидан ташкил этилган тадқиқотчилар танловидан ўтиб, сайёралараро қидирув ишларига отланади.

Биринчи навбатдаги вазифа само жисмлари таркибини ўрганишдан иборат. 500 килограмм юк кўтарадиган биринчи ракета телекамера билан жиҳозланади. Унга само жисми юзасининг таркибини таҳлил қиладиган спектрометр ҳам ўрнатилади. Яна бошқа спектрометр эса сув изларини аниқлайди. Фазода энг қимматли топилма сув илдизлари қолган нарсаларни аниқлашдир.

«Астероидлардан фойдаланишнинг қулай йўлларини ана шундай бир неча қатновлар орқали аниқлаб оламиз», — дейди сайёралар тўғрисидаги фан департаментида лойиҳа учун масъул шахс Джон Льюс.

Турган гапки, ҳолва деган билан ҳали оғиз чучимайди. Астероидда кон базасини жиҳозлаш унчалик осон иш эмас. Негаки биз кўриб турган осмон тепасида атмосфера йўқ. Атмосфера бўлмагандан кейин оғирлик кучи ҳам йўқ. Бу икки қаттиқ синовни қандай енгиб ўтиш ҳақида АҚШ олимлари кўп бош қотирмоқдалар.

*XXI аср гаплари*

Ҳатто шундай фаразлар ҳам бор. Чунончи самода кон «қазиб олиш» учун уни тутиб оладиган мустаҳкам, катта магнит «дастурхон» яратилади, у самода сузиб юрган руда парчаларини ўзига йиғиб олади.

Энди оғирлик кучи йўқлигининг битта афзал томони ҳам бор экан: тўпланган рудани ергача олиб тушадиган ракетанинг астероиддан кўтарилиши учун унчалик кўп ёнилғи шарт эмас. Айтганча, Жеймс Бенсонда яна бир ақлбовар қилмайдиган орзу бор: тинкаси қуриган, парчаланиш ёқасида турган кометалардан бирини топиш ва эҳтимол унда сув изларини учратиш! Аммо бу ҳозирча орзу, холос.

Агар иқтидорли Space Dev хусусий жамияти қулайроқ астероидни топишга муваффақ бўлса Жеймс Бенсон фазони иқтисодий жиҳатдан забт этишнинг биринчи карвонбошиси бўлади!

*Ҳамид ИКРОМОВ тайёрлади*

*Бу ҳали ҳаммаси эмас*

# Тўлғоқсиз туғилган болалар

Гўдак дард билан туғилади. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Ой, куни етса туғилади бола. Лекин ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Россия поёнсиз юрт. Аллақайси бурчагида Асбест деган шаҳарча бор. Шаҳарда биттагина туғруқхона мавжуд. Туғруқхона бош шифокори Вера Шимановнинг таъкидлашича, шу йилнинг 19 ноябрида фавқулодда ҳолат — «ортиқча туғилиш» содир бўлибди. Сабаби.

Сабаби метеорит ёмғири ёғса, кўп бола туғиларкан. «Самовий жисмлар зарралари аралаш шиббалаб ёққан ёмғирдан сўнг 13 нафар чақалоқ дунёга келган. Шундан 11 нафари ўғил.

Балки тўлғоқсиз туғилган болалар бордир. Лекин бизга бу воқеа кўпам «осмонда»ги кўрсаткич бўлиб туюлмайди. Ахир бир этак боласи бор аёлларимиз қачон шунақа ёмғир ёққанини эслашолмайди. Очиғи, қизиқсиниб бир-икки таниш дояларимиздан сўрадим: қачон кўпроқ чақалоқ туғилади? Айтайлик, метеорит ёмғири ёғса, болалар сони...

— Ой, куни етганда, — дейишди шартта сал шубҳа билан афтимга тикилиб.

Бизда унақа ёмғир ёғмайди, чоғи.

# Саргардонлик ҳам сайлми?

Уралдаги Туринск шаҳарчасида яшовчи Сергей Колесников ва Валерий Притановларни кейинги пайтда кўпчилик «машҳур марафончилар» дейдиган бўлди. Йигитлар бўлса бунга қарши: саргардонлик ҳам сайлми, дея эътироз билдиряпти.

Йигитларга ишсизлик обдон жонига текканди. Пиёда уч кунлик йўл Екатеренбург, нима деган гап, бориб ишга кирамиз, ўйлашди улар. Аслида уларнинг қўлида Екатеренбургдаги Калинин заводида бўш ишчи ўринлар борлигидан тегишли марказдан йўлланмасиям бор эди. Ақча масаласи чатоқ. Шунданам ҳай-ҳут дея темир йўл изи билан заводни қора олиб йўл солишганди.

Завод номардлик қилди: йигитларни ишга олмади. «Бўш жой «банд»миш. Ана, кўринг, томошани. Яна оёққа зўр беришди.

260 километрлик йўлни яна пиёда босишди. Тунлари «сайёҳлар» гулхан ёқиб дам олишди. Тонг бўзаргач яна йўлга: олға. Шуни айтадилар. Сайл ҳам сайл, саргардонлик ҳам сайл, деб.

*Саида Йўлдошева тайёрлади*

# Фармон имзоланди

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин «Авиасозлик мажмуаларини интеграциялашни бундан буён ҳам ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Давлат раҳбарининг матбуот хизматидан хабар қилишларича, Президент Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги трансмиллий «Ильюшин» молия саноат гуруҳини тузиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаб, 1998 -1999 йилларда давлатлараро Россия Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа сармоядорлар иштирокидаги «Ильюшин» авиасозлик компаниясини ташкил этиш ҳақидаги қарорни тасдиқлади. Ушбу компания очиқ акционерлик жамияти шаклида тузилади.




# Сайловларга салкам бир йил қолганда

Украина президентлигига номзодлар кўрсатишда аввалги сайлов компанияларидан фарқли равишда барча сиёсий партия ва блоклар ўз номзодларини кўрсатишлари мумкин. Бу нарса Украина Олий Кенгаши томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган мамлакат Президентини сайлаш тўғрисидаги Қонунда қайд этилган. Украина Президентини сайлаш маросими 1999 йилнинг октябрь ойига мўлжалланган. Айни пайтда Украина Адлия вазирлиги 50 партия ва блокни рўйхатга олган. Улар орасида коммунистик, социалистик, халқ демократик, социал-демократик, «Громада» партиялари бор. Айрим сиёсатчиларнинг фикрича энг йирик сиёсий ташкилотларгина бўлажак сайловларда катта имтиёзга эга бўладилар. Мамлакатнинг ҳозирги Президенти Леонид Кучма, социалистик партия раҳбари, Украина парламентининг собиқ спикери Александр Мороз, компартия раҳбари Пётр Симоненко, собиқ бош вазир Евгений Марчук, шунингдек, Олий Кенгаш раиси Александр Ткаченко 1999 йилда бўладиган сайловларда президентликка асосий даъвогар деб ҳисобланмоқда.

# Умидворлик

Келгуси йил учун иқтисодий таҳминлар қилиш бошлаб юборилди. Дунёдаги икки йирик марказий банк раҳбарлари яқин йиллардаги иқтисодий вазиятга баҳо бериб, эҳтиёткорлик билан умидворлик билдиришди. Германия Бундес-банки президенти Ганс Титмайер кўпчилик хавфсираётган жаҳондаги молиявий инқироз бизни четлаб ўтади, деди. Унинг франциялик ҳамкасби Жан-Клод Трише Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларида юз берган молиявий тасир-тусурлар туфайли юз берган олий даражадаги инқироз ўтиб кетди, деди. Шунингдек, ушбу минтақадаги мамлакатларда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳамда Япониядаги банк тизимини ислоҳ қилиш масалалари умидворлик уйғотади, деб қўшиб қўйди.

# Тергов ҳаракатлари тўхтатилди

Туркия суди ушбу мамлакатнинг собиқ бош вазири Тансу Чиллернинг турмуш ўртоғини оқлади. У илгари коррупцияда айбланиб ҳибсга олинганди. Суд жараёни Чиллернинг катта бойлиги қандай келиб чиққанлигини парламент текшириб чиққандан сўнг бошланган эди. Шу йили Озар Чиллер ўзининг Қўшма Штатлардаги даромадлари юзасидан тузган ҳужжатини қалбакилаштиришда айбдор деб топилиб, жарима тўлаган эди. Куни кеча Туркия парламенти Тансу Чиллер ва Месут Йилмазнинг молиявий фаолиятини текширишни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди.

# Янги ташқи ишлар вазири

Белоруссия Президенти Александр Лукашенко ўзининг фармони билан ташқи сиёсат масалалари бўйича ёрдамчиси Ўрол Латиповни ташқи ишлар вазири этиб тайинлади. Шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги билан ташқи иқтисодий алоқалар ва МДҲ ишлари бўйича вазирликларни қўшиб юбориш ҳақида фармон чиқарди. Собиқ ташқи ишлар вазири Иван Антонович истеъфога чиқарилди. Шунингдек, МДҲ мамлакатлари бўйича вазир Валинтен Величко ва ташқи иқтисодий алоқалар вазири Михайил Маринич ҳам ўз вазифаларидан озод этилди.

# Сим орқали суҳбат

Туркманистон ва Украина Президентлари туркман газини экспорт қилиш бўйича музокараларни давом эттириш ҳақида келишиб олишди. Яқинда бўлиб ўтган сим орқали суҳбатда Леонид Кучма Сапармурод Ниёзовга шу ҳақда хабар етказди. Кеча Ашгабадга «Украина нефть-гази» миллий акционерлик компанияси бошқарувининг раиси Игорь Бакай раҳбарлигидаги ҳукумат делегацияси жўнатилди. Украина Президенти шуни ҳам маълум қилдики, туркман газини Россия трубопроводлари орқали Украина бозорига келтириш масалалари ҳам ҳал этиляпти. Ўтган йилнинг март ойидан бошлаб туркман гази Шимолга етказиб берилмаяпти. Шу боис, ҳамон музокаралар давом эттириляпти. Леонид Кучма шунингдек, Сапармурод Ниёзовни шу йилнинг ўзида Украинага расмий ташриф билан келишга таклиф этди. Иккала Президент ҳам 1999 йилда Туркманистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кенгайиб боришидан умидвор эканликларини билдиришди.

# Олдиндан маълум эди...

*Машҳур изқувар Шерлок Холмс Ватсон билан биргаликда кўчада боришарди. Ватсон деди:*

*— Азизим Холмс, ҳозир бу бурчакда бизни дўппослашади.*

*Бурчакка етиб боришгач, ҳақиқатан ҳам қандайдир безорилар тўдаси уларни роса дўппослашди. Холмс сўради:*

*— Калтаклашларини қаердан бунчалик аниқ билдинг, Ватсон?*

*— Бу жудаям оддий: чунки кеча мен худди шу мўлжалда улардан бирининг тоза адабини берувдим-да, — деди бамайлихотир Ватсон.*

## Паспортим кўчирма

*Судья судланувчидан сўради:*

*— Айтингчи, сиз олий маълумот тўғрисидаги дипломни қаердан сотиб олдингиз?*


*— Мен уни йўлдан топиб олдим.*

*— Сиз айтмоқчисизки, ўз исми-шарифингиз ёзилган дипломни йўлдан топиб олибсиз-да, шундайми?*

*— Ҳа, нима бўпти, бунинг ҳеч ажаблапарли ери йўқку?— елка қисди судланувчи.*

*— Тўғрисини айтсангиз ўзингизга енгил бўлади. Балки тасодифан қўлингизга тушиб қолгандир?*

*— Ҳеч қандай тасодиф эмас, жаноб судья. Ахир мен паспортимни кейин сотиб олганман-да, яъни дипломдан «кўчирма«да.*



Шанхай бинокорлиги

## Кимнинг шефи «зўр»?

*Икки котиба суҳбатлашарди:*

*— Бизнинг шеф жуда башанг, ораста кийиниб юради-да.*

*— Тўғрику-я, шефингга гап йўқ. Лекин менинг шефим яшин тезлигида кийинади. Олдин ҳарбий бўлган-да?!*

## Қариндош эмасми?

*Икки прапорщик суҳбатлашарди. Бири сўради:*

*— Фамилиянг Полковниковми?*

*— Ҳа, нима эди?*

*— Полковник, Прапорщиков сенга қариндош эмасми, мабодо?*

**Қаршибой Мусаев тўплаган**

# Юлдузларнинг ҳам ташвиши кўп

Баъзида турмуш ипир-чипир ғалваларидан зерикиб кетаман. «Бошқаларнинг ҳам ғам-ташвиши бормикин?» дея ўйланаман. «Қизиқ, бой-бадавлат одамлар ниманинг ташвишини қиларкин?» Камчиликлар ғашга тегса бош қотириб қўяман. Кимга масза, машҳур кимсага ҳавасланиб, юлдузларни кўз олдимга келтираман.

Юлдузлар хоббим. Бирам гоҳида шуларнинг ўрнида бўлиб қолгим келади. Қани сени ҳамма таниса? Қаерга борсанг «яшил чироқ...» Шундай кайфиятда юрган кезларимда беихтиёр яна эстрада ёки кино юлдузлари ҳаётини кузатиб қоламан. Яқинда шундай бўлди. Ён дафтаримга уларнинг ташвишларидан бир нечтасини ёзиб қўйдим.

Беназир овоз соҳибаси Уитни Хьюстон. Чақнаган санъат юлдузи шу кунларда машҳур кино картина «Pulp Fietion» продюсери билан янги фильмда суратга тушиш ташвишида. Бу фильм Шимолий ва Жанубий Америка ўртасидаги уруш мавзуига бағишланади. Хьюстондай қўшиқчини қизиқтирган қора танли қанизакнинг оқ танли йигит билан ишқий саргузаштдир.

Юлдузнинг таъкидлашича, «бундай роман»лар унинг қалб тубидаги армон, истакларидир.

Кэйт Уанслет Голливуднинг энг умидли актёри. Соҳибжамол Кэйтга аксарият актёрларнинг ғайирлиги келади. «Титаник» қаҳрамонларини баримиз биламиз. Леонардо Ди Каприо ҳам баримизга таниш. Леонардо Ди Каприо ҳам Кэйтнинг олқишларини кўпам хушламасди. Леонардо актрисанинг япон таомларига ўчлигини биларди. Гримхонага йигит киритган тақсимчадаги гуручни ҳеч иккиланмай иштаҳа билан емоқчи бўлди. Овқат «портлаганда» Кэйтнинг ҳуши оғаёзди. Садаф тишларидан ажрашига оз қолди.

Актриса энди Лео билан бирга суратга тушишдан бош тортмоқда. Бу сўзсиз катта жанжалга сабаб бўляпти.

Богдан Титомир ҳали жаҳон кино юлдузига айланганича йўқ. Аёлларга суяги йўқ Богдан Голливуд юлдузи гўзал Микки Рулкнинг ишончини қозонди. Негадир Титомирни Россияда «секс юлдузи» дейишади. У Микки билан тезда тил топишди, у орқали кўпгина америкалик таниқли киночилар даврасига «кирди». Ҳатто унга навбатдаги Микки суратга тушадиган фильмдан роль ҳам таклиф этишди.

Юлдузларга ҳавас яхши нарса. Эҳ, уларнинг ғалва-ю ташвишлардан иборат ҳаёти, тўғриси, бизникидан кўпдай. Машҳурларга масза. Уларнинг ташвишиям катта, яъни «машҳур». Ҳамма қизиқади.

Ҳа, ғалвали дунёнинг ҳар куни яхшими-ёмонми ўтиб боради. Ҳавас ҳам, ҳасад ҳам ўтиб боради. Ўйлайман-у, ҳа, дея қўл силтаб кетиб бораман. Ташвишлар бор бўлсин... Юлдуздаям, оддийгина одамдаям бор.

*Саида БОНУ*

# Ҳайвон хобби

Оклахома штатида яшовчи Стив Паркер ажойиб қобилиятли мўйқалам соҳиби. Фақат Стив ҳайвонот оламига қизиқади. Унинг коллекциясида 70 дан ортиқ полотно бор. Шуларнинг бари фил, маймун, йўлбарс, умуман ҳайвонларнинг сурати.

Қизиғи, ҳар бир ижодий ишининг муайян «қаҳрамони» бор.

Стив охирги ишларини Чикаго ҳайвонот боғи филларига бағишлаб туркум полотнолар яратяпти.

Истеъдодни ҳар ким ҳар хил намоён этади. Стив ўзи ҳақида: «Ҳайвонлар хоббим, шунданам истеъдодимни фақат уларга бағишлайман» дейди ўйчан. Ўйчанлигинг боиси, у биздан кўра жониворларни чуқурроқ тушунар, улар билан «тиллашаркан».

Уларни ҳар бир ижодий ишида, шунданам, атайин лақаблар билан атаб қўяркан. Стивни баъзилар «ҳайвон хобби» дейишларининг боисиям шудир.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Автойўлаудит» аудиторлик фирмаси 1999 йил 1 мартдан тугатилиши муносабати билан ҳамма турдаги ҳисоб-китоблар ушбу ташкилот билан 1999 йил 28 февралгача бўлган муддат ичида тугатилиши лозим.
Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Набиев кўчаси, 3. Тел: 31-14-07.

Собир Раҳимов тумани 000 «Эл-САРЖАС» фирмаси
**ТУГАТИЛАДИ**
даъво ва эътирозлар икки ой муддат ичида қабул қилинади

Ватанни сенмак ишончидир!
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1
"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси
АБОНЕНТЛИК Газета ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
Нашр индекси
Обуна сони
1999 йил учун (ойлар бўйича)
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)
Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1
Нашрга етказиш варақаси
п.в Жойи
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
Нашр индекси
Обунани янги манзилга юбориш Баҳоси сўм обуна сони
Баҳоси сўм
1999 йил учун (ойлар бўйича)
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)
Кимга

# O‘ZBEKISTON OVOZI

*Vatanni sevmak iymondandur!*

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998-yil 10-dekabr, payshanba № 147 (24.384).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan


*Мирмуҳсин*
*Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

## Жалолиддин Мангуберди

Ўзбек халқининг асл фарзанди, тенгсиз ватанпарвар саркарда, ўзбек халқи ва давлати ер юзидан йўқолиб кетмаслиги учун курашиб, жонини фидо этган қаҳрамонлардан бири— Жалолиддин Мангуберди эди. Унинг таваллудига 800 йил тўлиши муносабати билан 1998 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони эълон қилиниб, ватандошимиз хотираси абадийлаштирилди, деярли унутилган, камситилган халқ қаҳрамони тарих қатламларидан олиниб, халқимизга қайтарилмоқда. Оллоҳга шукроналар бўлсинки, хаққоний, чинакам тарихимиз юзага чиқмоқда.

Халқ ибораси билан айтганда, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Темур Малик, Паҳлавон Маҳмуд каби сиймолар оназаминни чет душману ёвлардан, босқинчилардан ҳимоя этган экан, улар халқ қалбида абадул-абад қоладилар.

Саркарда Жалолиддин Мангуберди даставвал Туронзаминга, кейинчалик Хуросонга, Эрону Арабистон ва бошқа мамлакатларга яъжуж-маъжуж каби босиб келган мўғулларни, ёвуз Чингизхон қўшинини ўн йил мобайнида кескин ва шиддатли жанглар билан титратиб, деярли тор-мор этиб, ўз миллатини сақлаб қолди. Мана шу буюк хизматлари, жасорату донолиги билан шаҳзода Жалолиддин, унинг яқин ватанпарвар дўстлари Темур Малик, Шоҳмурод Кўҳистоний, Шерюрак Шоший ва бошқа юзларча паҳлавонлар маданиятимизни асраб қолдилар, буни тарих асло унутмайди.

Ўзбек халқи ичидан чиққан, она еримизда туғилган Ал-Хоразмий, Беруний, Ал-Фарғоний, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқаларни «великий ученый Востока» деб умумий ва мавҳум аташлар, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобурийлар сулоласини «великие монголы» деб чалғитишлар даври ўтди, хақ йўли қарор топди. Бу мустақиллигимиз, озодлигимиз шарофатидир. Лекин минг афсус, ҳали шовинистик фикр қилувчи баъзилар қиличини қинига тиққани йўқ... Тилини тишлайди. Биз енгамиз! Уларнинг қиличи синиб қалқони тешилган. Жалолиддин Мангубердининг ватанпарварлик курашларини, айниқса 1218-1231 (мелодий) йилларда заминимизга шарқдан бостириб келган мўғул-татарларнинг қонли юришлари тарихини, айниқса Жалолиддин ва Темур Маликка доир қисмини мукаммал ёзган, саркарданинг шахсий муншийси бўлган Шаҳобиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Мунши ан-Насавийдир. Саркарда ҳақида ёзган тарихнавислар сафида Жувайний, ибн ал-Асир, «Жомиъ ат-таворих» муаллифи Рашидуддин ва бошқа олимлар ҳам бор. Лекин Шаҳобиддин ан-Насавийнинг «Сират ас-султон Жалолиддин Манкбурни» китоби ноёб ва энг мукаммал манбадир. Биз у зот номига «Мангуберди» сўзини қўшамиз, асрлар бўйи халқ шундай атаган. Лекин баъзи тарихий манбаларда «Манкбурни» сўзини ҳам қўшадилар.

1

Шаҳобиддин ан-Насавийнинг ёзишларича саркарданинг бурни ёнида, ўнг томонда қора магиздек холи бўлган. Унинг забардаст қилич солишидан, алп қоматидан, юзидаги холидан ҳамма таниган ва айниқса Чингизхону Боту, Чиғатойлар яхши танишган. Бу бўйсунмас шаҳзодани қўлга олиш мақсадида Чингизхон бутун қўшнини ишга солган. Жалолиддин мўғулларга ҳужум бошлаган кўп ҳолларда душман пароканда бўлиб, қочган. Хоразмий қўшининг кескин ва шиддатли жангларига мўғуллар бардош беролмагани тарихий манбалардан бизга маълум. Мамлакат учун фидойи мамлуклар Хоразм, айни вақтда Туронзамин ва араб оламида катта иш кўрсатганлар.

Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг бош фарзанди шаҳзода Жалолиддин ёшликдан ҳарбий машққа, давлатчиликка, сиёсатга жуда қизиққан. Сарбозлар даврасида шамшир солишда, отда чопишда, тийрандозликда тенгсиз бўлган, бундан ташқари у Хоразм заминида вояга етиб, танилган алломалардан таълим олган. Биз ҳозир кўп тилга олиб эслаётган Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Ал-Фарғонийлару подшоҳ Маъмун, буюк шоир Рашидуддин Вотвот бўлмасин ва ҳатто араб-форс шоирларини ҳам яхши билган. Абул Музаффар Обивардий, Заҳриддин Фаръёбий, Афзалиддин Кошоний, Баҳромшоҳнинг «Калила ва Димна» китобларини ўқиган. Араб шоирлари Абу Таммам, ал-Мутанаббий шеърларини ёд билган дейилади «Сират ас-султон Жалолиддин Манкбурни» китобида. Хоразмшоҳлар Ануштегин Гарчоий, Қутбиддин-шоҳлар сулоласи икки юз йилча давом этди. Кейинги Хоразмшоҳ Аълоиддин Муҳаммад тўққизта фарзанд кўрган: бош ўғил — Жалолиддин Мангуберди, ундан сўнг Қутбиддин Узлоғшоҳ, Хонсултон, Гиёсиддин Пиршоҳ, Оқшоҳ, Айси-Хотун, Рукниддин Гурсанжтишоҳ, Қаюмоҳишоҳ, Яҳъё Ҳуршоҳ Мўғул босқинида уларнинг қайси бирлари жангларда ҳалок бўлган, қайбирларини Чингизхон қатл этган. Бувилари, улуғ малика Туркон-Хотун шаҳзодаларни ўз ҳимоясида тарбиялаган. Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг оналари — улуғ малика Туркон-Хотун катта давлат арбоби, ўз замонасининг етук аёлларидан бўлган. Оврўпалик баъзи тарихшунос ёки адибларнинг Туркон-Хотун ҳақидаги камситишлари ҳақиқатдан жуда узоқ, буюк ва мутафаккир онани бўҳтонлардан қутқариб олмоғимиз лозим. Айниқса, «Чингизхон» деган китобда Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ, буюк малика Туркон-Хотун хусусида кўп нобоп ва тарихан адолатсиз гаплар айтилади. Чингизхоннинг шарқдан мўрималаҳдек ёпирилиб келган ярим бадавий қўшинида татарлар, маркидлар, кероидлар жуда катта кучни ташкил этганлар. Айниқса татарларнинг бешафқатлиги Шаҳобиддин ан—Насавий, ал-Асир, Жувайнийлар томонидан аниқ айтилган. Ўша асрларда, ундан кейин ҳам фарзандларга «Чингиз» деган ном қўймоқ авж олган. Бутун бор мамлакатлар-

2

ни хароб қилган, маданиятни икки юз йил орқага сурган, кўп қонлар тўккан, шаҳарларни вайрон этган чингизий босқинчилар номини қўймоқ, бу жуда таажжуб! Чингизий мўғуллар Турон замин бойликларини, беҳисоб китобларни мўғулистонга ташиб кетганлар, ёндирганлар. Бу ноёб асарлар ҳозир мўғулистоннинг қайси кавакларида ётган экан.

«Сират ас-султон Жалолиддин Манкбурни» китобининг 41-боб, 138-саҳифасида Жалолиддин раҳнамолигида Самарқандни мўғуллардан ҳимоя қилиш яхши кўрсатилади. «Аҳли Самарқанд ўз ерларини ташлаб кетмаганликлари, авом саркарда раҳнамолигида бир қурум хоразмийлар билан бирга шиддатли жанглар қилдилар. Мўғуллар шаҳарни маҳалла, маҳаллаларга бўлиб, босиб олишга уриндилар. Аммо саркарда авомни бир ерга тўплаб, ёғийларга зарба устига зарбалар бердилар. Мўғуллар кўп қирилди...» дейилади.

Ўзбекистон телевидениеси Жалолиддин Мангуберди ҳақида кўп қисмли фильм кўрсатишди. Асарни Неъмат Солаев билан катта муаллифлар ҳайъати яратган. Буюк саркарда ҳақидаги шу кунгача ёзилган асарлар ичида энг яхшиси ва ҳаққонийси деб ҳисоблайман.

Гурганжни босиб олган мўғуллар Хоразмшоҳнинг невара-эваралари — ёш гўдакларнинг бир қисмини бўғиб ўлдирганлар. Дарғазаб Чингизхон асира малика Туркон-Хотун кўз олдида бир неча эваралларнинг кўкрагига ханжар уриб, гўдаклар юрагини узиб олиб, итга ташлаттирган. Тарихшунослар ёзишича қурбон бўлган, қатл этилган шаҳзодалар эмас, юрак-бағри қиймаланган улуғ буви Туркон-Хотунчалик азоб чеккан инсон дунёда йўқ, дейдилар. Қаттол мўғулларнинг йиртқичлиги Жалолиддину Темур Маликларни ҳамма вақт беомон жангга кўзғаган, улар ўзликдан кечиб, шу ватан, шу ҳалқ учун жанг қилганлар. Биз бу баҳодирларнинг узоқ авлодлари ўша ёвузликларни асло унутмаслигимиз керак, она-Ватанни кўз қорачиғидек ҳимоя қилмоғимиз фарз!

Жалолиддин Мангуберди ҳарбий салоҳиятни яхши билиши, мўғуллар ҳужумидан илгариёқ Хоразмшоҳ ва унинг тўрт юз қалъадан иборат мамлакати, бу томони Ироқ бу томони Ўтрору Торозгача етган буюк мамлакатда шаҳзода қобилияти, билиму паҳлавонлиги оғиздан оғизга кўчган эди. У Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳдан кейин тахт эгаси, валиахд деб тан олинган эди. Укалари, сингиллари шаҳзодалар ичида унга ғайирлик қилувчилар деярли бўлмаган. Фақат катта она — буюк малика Туркон-Хотун кўп сиёсий ишларда ўз фикрини ўтказа оларди.

Тарихшунослик Хоразмшоҳнинг мўғуллардан енгилишига асосий сабаблардан бири: «Менинг тўрт юз қалъам бор, улар душманнинг Жайҳун томон келишига йўл бермайди...» деган гап ва пароқандалик мўғулларга қўл келиб, қалъаларни битта-битта

3

ишларни яхши биладиган шаҳзода Жалолиддин ва Темур Маликлар ўн-ўн бир йил мобайнида мўғулларни ҳолдан тойдириб, жанг қилавердилар.

...Дарёнинг икки томонида бир-бирларига қарши келган Жалолиддин билан Чингизхон анча вақт тикилишиб туради, дейилади «Сират ас-султон Жалолиддин Манкбурни» китобида, Чингизхон отдан тушган, Жалолиддин ҳам. Бир муддатдан сўнг Жалолиддин қўлидаги қилични баланд кўтариб, яркиратиб, Чингизхонга кўрсатади, «Бошларингиз мана шу қиличда!!!» демоқчи бўлади. Тулки терисидан тумоғ кийган кекса Чингиз Жалолиддинга қисиқ кўзларни тикиб туриб, атрофидаги саркардаларига, нўёнларга дейди: «Ҳавасим келади. Агар у менинг фарзандим бўлганда, мен ниҳоятда бахтли бўлардим. У тенгсиз жасоратли саркарда...»

Мўғулларнинг ўз юртларида битилган «Яширин китоб»ларида Жалолиддин билан Темур Малик кучли рақиб сифатида номлари тилга олинган, аммо, Хоразмшоҳнинг номи йўқ. Бундан ҳар қандай душман ҳам мардликни, паҳлавонликни тан олади, деган маъно чиқади.

Жалолиддин ёвуз душман қўлида қийнокда ҳалок бўлмасинлар деб, ёв томонидан ўраб олинган бир жараёнда ўз хотини, болалари, синглисини Синд дарёсига ғарқ этиб юборади. Душман қўлига тушиб хор бўлмаслик учун у бу ишни атайин қилади. Катта жанглари қатори бу фожиа ҳам тарихшунослар томонидан қайд этилган.

«Сират ас-султон Жалолиддин Манкбурни» китобида ёзилишича: «Жалолиддин мўғул таъқибида ўзга юртларга ўтганида ҳам ўн бир йил мобайнида ўн тўрт бор катта жанг қилади-ки, мўғул-татар қўшини пароканда этилиб, нўёнлар ўз лашкари билан тўрт томон қочдилар».

Охир оқибат, 1231 йилга келиб, саркарда атрофидаги хоин сардорлар ва қўшиндаги пароканда-далик Жалолиддинни ҳам, унинг яқин дўсти Темур Маликни ҳам ҳалокатга олиб келди. Улар шу эзгу ватан учун жон фидо этдилар.

Ҳозирги Туркиянинг Хони шаҳри яқинида, Ирбил қишлоғидан нарида Майафарикин деган жойда 628 ҳижрий, шаввал ойи ўртасида, яъни 16 август 1231 мелодий йилда саркарда Жалолиддин Мангуберди курдлар томонидан хиёнаткорона ўлдирилади.

Саркарданинг ўз қўшини, туронзаминлик ватанпарварлар билан биргаликда ёвларга етказган талофатлари мислсиз кўп. Унинг жасорати, заковати, она заминга, эл-юртга бўлган меҳру муҳаббати ҳар бир ҳаракатидан сезиларди, у келгуси авлод, то соҳибқирон Амир Темур замонигача етиб келди, бепоён бу мамлакат эгаси Амир Темур босқинчи мўғуллар истибдодини батамом тугатди. Маданияти, маънавияти, сиёсату, иқтисоди таназзулга юз тубан кетган бир даврда соҳибқирон уни қайтадан тиклади, ривож берди, юксалтирди.

Жалолиддин Мангуберди соҳибқирон Амир Темургача бўлган даврнинг энг буюк саркардасидир. Унинг таваллудига саккиз юз йил тўлиши ҳақидаги Президентимиз Фармони жуда муҳим ҳужжатдир. Халқимизнинг ўтмиши, ким эканлигимизни тушуниш каби адолатли сиёсат Ватанимиз қаддини тиклади. Шўролар мустабидлигининг аччиқ тутунида димиққан, тарихи тупроқ қатламларида қолдирилган она замин қад кўтармоқда, бу нурли ва адолатли жараённи, асрлар ўтар, келажак авлод фахру ифтихор билан эслайдилар. Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги Олий Фармон қалбларимизга ҳаяжону қувонч солиб, саркарда хусусида баъзи фикрларни айтишни лозим топдим, бу дастлабки чизгилардир.

Халқ бахту саодати йўлида қилинган заҳматли қаҳрамонлик ҳеч қачон унутилмайди!

## Олимларнинг сараси

*Орамиздаги одамлар*



Ўзбекнинг обрўсини, иқтидорини, илми кашфиётда боболар каби ҳали ҳам етакчи эканлигини дунёга таратиб юрган шахс Тошкент Давлат тиббиёт институти неврология кафедраси мудири, Республика неврология илмий марказининг директори, Евроосиё Тиббиёт фанлари академиясининг академиги, Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Наби Мажидовдир.

Наби Мажидов мана қарийб 48 йилдан буён одамлар хизматида... У киши қўлида шифо топган минглаб одамларнинг дуосини олиб яшайди. Ахир мия тизимини ўрганишдек машаққатли ишни танлаган Наби ака шу соҳанинг пирига айланган, десак хато бўлмас. Мия фаолиятини англаб етиш, сирларини тушуниш орқали унда учрайдиган турли касалликларни енгил даволайди шифокорлар. Ўзбекистонда неврология фанини ривожланишига катта ҳисса қўшган олим ўз йўналиши бўйича 60 дан ортиқ номзодлик, докторлик илмий ишларга раҳбарлик қилди. 8 та кашфиёт, 26 та монография, тиббиёт бағишланган 39 та тўплам ва 450 дан зиёд илмий ишлар муаллифидир. Машҳур невролог М. Раппорт бошчилигида «Бош мия фиброзланувчи лептоменингитлари» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаганига ҳам мана 33 йил тўлибди. Ўшанда собиқ иттифоқ Олий аттестация кенгаши йиғилишида ёқланган 2146 илмий иш орасида энг сараси деб топилгани ҳам Наби Мажидовники бўлганди. Унинг истеъдоди, чексиз билим хазинаси туфайли фаннинг ангионеврология, нейроонкология, нейроиммунология ва соматоневрология соҳаларида етук шогирдлар олий ўқув юртлари учун 4 та дарслик, 45 та услубий тавсия, тиббиётнинг долзарб муаммоларига етишиб чиқди.

Мамлакатимизда замонавий тиббиётнинг ривожланишида бир қанча ишлар амалга оширилди, жумладан Н. Мажидовнинг «Инсультгача бўлган цереброваскуляр касалликлар», «Бош мияга қон қуйилиши», «Ганглиоз ўсмалар» каби монографиялари шифокорлар учун амалий дастурга айланди. Бундан ташқари докторлар учун 5 жилдли «Профилактик неврология» қўлланмаси ҳам муҳим аҳамият касб этди. Шу тариқа Н. Мажидов неврология соҳасида катта мактаб яратди. У кишининг шогирдлари орасида дунёнинг етакчи мамлакатларида фаолият юритаётгани қувончли.

1-Тошкент тиббиёт институтининг асаб касалликлари кафедраси мудири Н. Мажидовнинг номи Америкада чиқадиган дунёнинг атоқли шахслари ҳақидаги маълумотномада 500 машҳур кишиларидан бири деб тан олинганичи. Қолаверса, Америка халқаро байналмилал университетининг кенгаши Н. Мажидовни тиббиёт фанининг ривожланишида қўлга киритган улкан ютуқлари учун «1998 йилнинг атоқли кишиси» деб қарор қилиши ўзбек зиёлиларининг эътибори жаҳонда нечоғли баланд эканлигини белгилайди.

*Юсуф ЖЎРАЕВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

## Маҳалла — кичик ватан





*Шифокорлар шаҳарчаси пойтахтнинг замонавий даҳаларидан бири. Бу ерда бўлган фуқаролар кенгашининг навбатдаги сайлови маҳалла аҳли ўз қўрғони — маҳалласини севиши, унинг равнақи ва обод бўлиши учун тинмай меҳнат қилаётганлиги яққол кўринди.*

*Собир Раҳимов туманидаги Нақшбандий номли маҳаллага беш йилдан буён маҳаллада фуқаролар кенгашига республикамизда кўзга кўринган шифокор, моҳир ташкилотчи, республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 1-клиник шифохонаси бош врачи, фан номзоди Муроддин Холматович Қодиров раислик қилиб келмоқда. Маҳалла оқсоқоли ва унинг атрофидаги фаоллар ўтган ҳисобот даврида режадаги бир қатор хайрли ишларни амалга оширдилар. Маҳаллада ҳашар йўли билан 100 квадрат метрли ҳажмда маънавият маркази биноси бунёд этилди, юзлаб метр масофада бузилган йўллар асфальтланди, йўл чеккаларига 700 туп гул кўчати экилди, кўп қаватли уйларнинг йўлаклари ёритиш воситаси билан таъминланди ва таъмирланди. Айни пайтда маҳалла аҳолиси 509-болалар боғчасига хомийлик кўрсатиб унинг айрим бинолари таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари тўй ва миллий маросимларни аҳиллик билан намунали ва ихчам ўтказишга катта эътибор бериляпти. Айниқса, «Энг яхши қайнота, қайнона, келин, куёв» танловлари ўтказиш таълим-тарбия ва одоблилик фазиллатларини одамлар онгида шакллантиришда қулай омил бўлиб қолмоқда.*

*Маҳалла фуқаролар кенгашида тингланган ҳисоботлар юзасидан сўзга чиққан Собир Раҳимов туманидаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Аъзам Акромхўжаев, Тўхтасин ая Салимбоева, Саид Турсунов ва бошқалар ҳисобот даврида амалга оширилган ибратли ишларни таъкидлаш билан бирга фуқаролик ҳуқуқларини таъминлаш борасида бажарилиши лозим бўлган вазифаларга эътиборни қаратдилар.*

*Маҳалла аҳолиси якдил овози билан Муроддин Қодиров фуқаролар кенгаши раиси этиб такрорий сайланди.*

*Абдулла ПЎЛАТОВ,*
**Суратда:** *сайловдан лавҳалар.*
*Шавкат АКРАМОВ,*
*олган суратлар*

## Осиё ўйинлари кундалиги

*Спорт*

Мана 5 кундирки, Таиланд ўйингоҳлари, югуриш йўлкалари, мовий ҳовузларида қизғин баҳслар. Ҳар бир мамлакат спортчилари қўлга киритган очколари, дастлабки ғалабалари билан терма жамоалари мавқеини мустаҳкамлашга зўр беришмоқда. Ҳозирча бу борада хитойликлар олдинда боришяпти. Улар ҳисобидаги медаллар 9 тадан ошиб кетди. Бундай йирик мусобақада иккинчи марта иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари ҳам бўш келмасликка астойдил ҳаракат қилишмоқда. Жумладан, эркин сузиш устаси Олег Цветковский финал баҳсларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. 400 метрга брассча сузган Саида Искандарова кучли ўнликдан жой олди. Боксчиларимиздан Темур Тўляков билан Наримон Отаевлар дастлабки ғалабалардан кейин курашни давом эттириш имкониятига эга бўлиб туришибди. Дзюдочи Андрей Штурбабин жамоамизга дастлабки медаль — бронза нишонини келтирди.

Маълумки, футбол турнири гуруҳларда ўтказилган саралашдан кейин иккинчи босқич баҳслари бошланишини тақозо этади. Ҳозир, дастлабки саралашда 1-2 ўринларни эгаллаган жамоалардан яна тўртта гуруҳ тузилган. Биринчи гуруҳда Ўзбекистон, Ҳиндистон, КХДР, Туркманистон, иккинчи гуруҳда БАА, Япония, Корея, Қувайт, учинчи гуруҳда Хитой, Тожикистон, Уммон, Эрон, тўртинчи гуруҳда Катар, Ливан, Қозоғистон, Таиланд жамоалари куч синашмоқда. Дастлабки, учрашувлар ҳам бўлиб ўтди: Туркманистон — Ҳиндистон — 3:2, Корея — Япония — 2:0, БАА — Қувайт — 0:5, Ўзбекистон — КХДР — 4:0 (тўпларни иккитасини Н. Ширшов, биттадан И. Шквирин, А. Акопянц). Хитой — Тожикистон — 3:1, Катар — Ливан — 1:0, Таиланд — Қозоғистон — 1:1, Уммон — Эрон — 4:2. Ҳозир Ўзбекистон, Туркманистон, Корея, Қувайт, Хитой, Уммон, Катар жамоаларида учтадан очко бор. Кеча футболчиларимиз Ҳиндистон жамоаси билан майдонга тушишди. Бугун Тожикистон — Эрон, Хитой — Уммон, Катар — Қозоғистон, Таиланд — Ливан жамоалари учрашадилар. Осиё ўйинларида медаллар жамғармасини бойитиш учун кураш табора авжга чиқмоқда.


**ТАШКИЛОТ**

*«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади.*

**ҲАҚ ТЎЛАШ — ПУА ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН.**

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин.

**Манзил:** *Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — Мўғлжал Шимолий темир йўл вокзали.*
Телефон: 54-56-11. Факс: 54-49-11 Пейжер: (067) 90-79



**Бош муҳаррир**
**Азим СУЮН**

**Таҳрир ҳайъати**
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**БЎЛИМЛАР:**
*Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.*
*Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.*
*Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.*
*Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.*
*Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.*
*Халқаро ҳаёт — 133-20-36.*
*Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.*
*Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.*
*факс — 133-38-55, 133-54-55*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**
*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 7-58-83;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 133-76-04;*
*Урганчда — 6-51-35;*
*Фарғонада — 26-46-84;*
*Қаршида — 3-25-79;*
*Термизда — 3-79-98.*

**МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф ЖЎРАЕВ,*
навбатчи *Маъмуржон ҚИЁМОВ*

*Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 20.025 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади

Г — 0592

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 22.30

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА